

Ўзбекистон Республикаси номидан
Ҳ У К М

2020 йил май ойининг 6 куни жиноят ишлари бўйича Андижон туман суди маъмурий биносида, очик суд мажлисида, туман судининг судьяси А.Кенжабаев раислигида, судья ёрдамчиси Ш.Юнусовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси-Андижон туман прокурори ёрдамчиси А.Ўктамов ва А.Алимов, фуқаровий даъвогар Э.Маматкулов, судланувчи У.Ш.М ва унинг ҳимоячиси “Advokat Inamov” адвокатлар бюроси адвокати Н.Инамов иштирокида У.Ш.Мга нисбатан 1-1702-2003/49-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

У.Ш.М, 1984 йил 7 мартда Андижон туманида туғилган, Ўзбекистон фуқароси, ўзбек, маълумоти ўрта, оилали, 3 нафар фарзанди бор, ишсиз, судланмаган, Андижон тумани, “Терактаги” МФЙ, [REDACTED] да яшайди, иш бўйича муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2020 йил 4 февралда олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “б” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи, фуқаровий даъвогар ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

У.Ш.М 2019 йил 5 октябрь кунидан 10 октябрь кунига қадарли бўлган вақт оралигида, Андижон тумани “Терактаги” МФЙ ҳудудидаги транспорт қатнов йўлининг ҳаракатланиш бўлақларини ажратиб туриш учун ўрнатилган “Фейтинг” МЧЖга тегишли бўлган жами нархи анча миқдорни ташкил этган 42.204.979 сўмлик 103 дона темир панжараларни яширин равишда талон-торож қилган.

Судланувчи У.Ш.М судда айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, 2019 йил 6 октябрь куни таниши А.Базаровга “Андижон-Асака” транспорт қатнов йўлининг ўртасида жойлашган йўлни ажратиб турувчи темир панжараларни олиб кетиб, сотиб юборишни таклиф қилгани, А.Базаров унинг таклифига рози бўлганидан сўнг 2019 йил 7 октябрь куни соат тахминан 21 ларда А.Базаров ҳамда жияни У.Ўринбоевлар билан биргаликда таниши А.Жўраевга тегишли бўлган “Кия порто” русумли, 60W 536 ОА давлат белгили юк автомашинасида “Андижон-Асака” транспорт қатнов йўлида жойлашган темир панжараларни 15 донасини олиб, юк автомашинасига жойлаб, яшаш хонадонига олиб боришгани, шундан сўнг



А.Базаров яшаш хонадонига қайтиб кетгани, унинг хизмати эвазига 150.000 сўм пул бергани, жияни У.Ўринбоев эса у билан қолгани, жиянига ушбу панжараларни иш жойидан иш ҳақи эвазига беришгани, унинг ихтиёрига ўтганини айтгани, У.Ўринбоев панжаралар ўғирланаётганидан хабари бўлмагани, “Кия-порто” русумли автомашинасини А.Жўраевдан ўз ишлари билан шуғулланиб туриш учун сўраб олгани, шунинг учун ҳам унинг ўғирлик ҳолати ҳақида хабари бўлмагани, 2019 йил октябрь ойида жияни билан биргаликда яна икки маротаба бориб, темир панжараларни “Кия порто” русумли автомашинага жойлаб, яшаш хонадонига олиб келгани, панжараларнинг 12 донасини А.Жўраевга 600.000 сўмга, 72 донасини таниши Ш.Ғуломовга 3.600.000 сўмга сотиб юборгани, яна бир дона темир панжара яшаш хонадонига қолиб кетгани, ИИБ ходимлари томонидан темир панжаралар ўғирлангани аниқланганидан сўнг барча темир панжаралар баённома орқали олиниб, “Фейтинг” МЧЖ ихтиёрига ўтказилгани, етказилган зарар тўлиқ қоплангани, содир этган қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, енгиллик берилиши ҳақида кўрсатув берди.

Фукаровий даъвогар Э.Маматкулов судда, Улуғнор тумани ҳокимлигидан рўйхатдан ўтган “Фейтинг” МЧЖ раҳбари эканлиги, МЧЖ томонидан “Фарғона халқа йўли” транспорт қатнов йўлининг 151-161 км. ўрамида йўл таъмирлаш ишлари олиб борилгани, объектда таъмирлаш ишлари тўлиқ тугалланмагани, давлат комиссияси томонидан буюртма қабул қилиб олинмагани, 2019 йил октябрь ойининг бошида қурилиш объектидан нархи 42.204.979 сўмлик жами 103 дона темир панжаралар йўқолгани, дастлабки тергов даврида ушбу панжараларни У.Ш.М яширин равишда талон-торож қилгани аниқланиб, темир панжаралар МЧЖ ихтиёрига қайтарилгани, судланувчига нисбатан даъвоси йўқлиги ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ А.Базаров судда, 2019 йил 6 октябрь куни таниши У.Ш.М унга “Андижон-Асака” йўлининг транспорт қатнов қисмининг ўртасида йўлни ажратиб турувчи кулранг рангдаги темир панжараларга харидор борлигини, ушбу темир панжараларни унинг яшаш хонадонига олиб жойлаштиришни таклиф қилгани, унинг таклифига рози бўлиб, эртаси куни У.Ш.М бошқарувидаги “Кия порто” русумли юк автомашинасида у ва У.Ш.Мнинг жияни У.Ўринбоев билан биргаликда панжаралар жойлашган жойга бориб, 15 дона панжараларни автомашинага жойлаб У.Ш.Мнинг яшаш хонадонига олиб бориб жойлаштиришгани, шундан сўнг ўз уйига қайтиб кетгани, орадан 3-4 кун ўтиб, У.Ш.М унга хизмат ҳақи учун 150.000 сўм миқдоридан пул бергани, у У.Ш.М ва жияни У.Ўринбоев билан биргаликда фақат бир маротаба темир панжараларни олиб кетишда ёрдам бергани, 2019 йил 9 ноябрь куни яшаш хонадонига ИИБ ходимлари келиб, У.Ш.М билан олган темир панжараларни ўғирланганлиги ҳамда бу ишда унинг ҳам алоқаси борлигини айтишиб, У.Ш.Мнинг яшаш хонадонига бориб, темир панжараларни ҳамда 150.000 сўм пулларни баённома орқали ИИБ ихтиёрига олиб кетишгани ҳақида кўрсатув берган.



Гувоҳ У.Ўринбоев судда, судланувчи У.Ш.М қариндоши экани. 2019 йил октябрь ойининг бошларида У.Ш.М унга авто-йўл хизматида ишлаётгани, ойлик маоши эвазига йўлларнинг транспорт қатнов қисми ўртасида жойлашган темир панжараларини бераётгани, ушбу панжаралар ўзининг ихтиёрида эканлигини айтиб, панжараларни уйга олиб келишда ёрдам беришни сўрагани, шундан сўнг рози бўлиб, бир неча кун йўл четида турган темир панжаларни ташишда У.Ш.Мга ёрдам бергани, темир панжаралар “Кия-Порто” русумли автомашинага юкланиб, У.Ш.Мнинг яшаш хонадонига олиб келингани, А.Базаров темир панжараларни олишда фақат бир маротаба ёрдам бергани, ўша вақтда У.Ш.М ушбу панжараларни яширин равишда ўғирлаб олиб кетганидан ҳамда уларни кимга ва қаерга ўтказганидан хабари бўлмагани, У.Ш.Мнинг гапларига ишониб, панжаралар унинг ихтиёрида ўтган деб ўйлагани ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ А.Жўраев судда, 2019 йил октябрь ойининг бошларида таниши У.Ш.М ундан 60W 5360А давлат белгили “Киа-Порто” русумли юк автомашинасини фойдаланиб туриш учун сўрагани учун унга розилик билдириб, автомашинани У.Ш.Мнинг яшаш хонадонига ташлаб келгани, бир неча кундан сўнг У.Ш.М автомашинани қайтариб олиб келгани, 2019 йил октябрь ойининг ўрталарида У.Ш.Мнинг яшаш хонадонига борганида, уйнинг ҳовлисида кулранг тусдаги, йўлни ажратиб турувчи темир панжаралар борлигини кўриб қолгани, У.Ш.М харидор бўлса, ушбу панжараларни сотиб юборишини айтгани, шунда яшаш хонадонига қўйхона қуриш мақсадида У.Ш.Мдан темир панжараларнинг 12 донасини 600.000 сўм эвазига сотиб олгани, 1 донаси ўзининг ҳовлисида қолгани, шу куни панжараларни бошқарувидаги юк автомашинасида яшаш хонадонига олиб бориб, жойлаб қўйгани, 2019 йил 9 ноябрь куни ИИБ ходимлари яшаш хонадонига келишиб, У.Ш.Мдан сотиб олинган темир панжаралар ўғирланганлигини маълум қилишиб, ундан 12 дона темир панжараларни баённома расмийлаштириб, олиб кетишгани, лекин У.Ш.М унга ушбу панжараларни ўғирланганини айтмагани, бундан хабари бўлмагани ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ Ш.Ғуломов судда, 2019 йил 20 октябрь куни таниши У.Ш.М унга ҳозирда авто йўл хизматида ишлаб келаётганини, ойлик маоши эвазига йўлларининг қатнов қисми ўртасида жойлашган кулранг тусдаги темир панжараларни бераётганини, ушбу панжараларни сотиб оладиган харидор бўлса, хабар беришини айтгани, шундан сўнг қўйхона қилиш учун У.Ш.Мнинг яшаш хонадонига бориб, 72 дона темир панжараларни 3.600.000 сўм пуллар эвазига сотиб олиб кетгани, темир панжараларнинг 27 донасини ён қўшнисининг яшаш хонадонига вақтинчалик сақлаб туриш учун олиб чиқиб қуйгани, қолган 45 донаси Андижон тумани “Қумкўча” МФЙ ўрамида жойлашган оҳак цехига қўйхона қилиш мақсадида олиб бориб қуйгани, 2019 йил 9 ноябрь куни ИИБ ходимлари чақириб, У.Ш.Мдан сотиб олган темир панжаралар ўғирланганлигини маълум қилишиб, 72 дона темир панжаралар баённома расмийлаштирилиб, ИИБ ихтиёрига олингани, лекин



У.Ш.М унга ушбу панжараларни ўғирланганини айтмагани, бундан хабари бўлмагани ҳақида кўрсатув берди.

Суд, судланувчи У.Ш.Мнинг айби юқоридагилардан ташқари нарсани олиш ва ҳужжатлаштириш баённомалари, ашёвий далил ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар билан исботланган деб топади.

Суд, У.Ш.Мнинг “Фейтинг” МЧЖга тегишли анча миқдордаги 42.204.979 сўмлик темир панжараларни яширин равишда талон-торож қилишда ифодаланган жиноий ҳаракати дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “б” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги Қарорнинг 3-бандида Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши-ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларига мувофиқ бўлиши кераклиги, 5-бандида судлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган, шунингдек унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган ва жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатилиши мумкин бўлган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинлаш учун қонунда мавжуд барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланишлари кераклиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд, У.Ш.Мга жазо тайинлашда у томонидан содир этилган жиноят хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига киришини, унинг муқаддам судланмаганини, қилмишидан пушаймонлигини, етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб ҳисоблаб, унга нисбатан тегишли модда санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни лозим топди.

Суд, ашёвий далиллар масаласини ҳал этиб, ашёвий далил деб эътироф этилган 150.000 сўм пулларни давлат фойдасига мусодара қилишни лозим деб ҳисоблайди.

Баён этилганларга кўра, суд Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 463, 465-468, 471-473-моддаларини қўллаб,

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

У.Ш.М Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “б” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

У.Ш.Мга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “б” банди билан ҳар ойлик иш ҳақининг 20 (йигирма) фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 2 (йил) ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.



Ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ИИБ томонидан белгиланган жойларда ўтатирилиб, жазо муддати У.Ш.М жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазо ижросини назорат қилиш Андижон туман ИИБ Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

У.Ш.Мга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Ашёвий далил – 150.000 (бир юз эллик минг) сўм пуллар давлат фойдасига мусодара қилинсин.

Тарафлар ҳукм устидан ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб ўн сутка ичида, судланувчи ва фуқаровий даъвогар эса ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида ушбу суд орқали жиноят ишлари буйича Андижон вилоят судининг апелляция инстанциясига, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг эса кассация инстанциясига шикоят бериши ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи

А.Кенжабаев

